



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА НИСБАТАН ЖИНОЙ ЗЎРАВОНЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ!

**Ашуров Отабек Умматиллаевич**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси  
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор. Электрон  
почта: ashurovotabek990@gmail.com.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8166501>

### ARTICLE INFO

Received: 10<sup>th</sup> July 2023

Accepted: 15<sup>th</sup> July 2023

Online: 19<sup>th</sup> July 2023

### KEY WORDS

Вояга етмаганлар, жиноий  
зўравонликлар, жиноий  
зўравонликлар  
профилактикаси, ички  
ишлар органлари соҳасидаги  
ислоҳотлар, вояга  
етмаганларнинг ҳуқуқ ва  
эркинликларини таъминлаш,  
ҳимоя ордери,  
профилактика, умумий  
профилактика, якка  
профилактика.

### ABSTRACT

Мамлакатимизда вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликлар қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чора-тадбирлар, хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида нотинч оилалар фарзандлари, уюшмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналари масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикаси[1] каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига илғор иш усулларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик ташкил этишни тақозо этади.

**Муаммонинг баёни:** Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг содир этилиши сабаблари, шахсда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва хусусиятларнинг шаклланишига ҳамда вояга етмаганларга нисбатан турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига, қонунга ёки қонун ижросига путур етказадиган, унга риоя қилишга тўсқинлик қиладиган омиллар оиладаги муҳит таъсирида юзага келади. Зеро, вояга етмаганларга нисбатан ҳар қандай жиноий зўравонликларнинг келиб чиқишида оиладаги носоғлом ижтимоий-руҳий муҳит



муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикасини амалга оширишнинг мутлақо янги механизмлари яратилмоқда.

Ушбу мақолада янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизга асосан вояга етмаганларнинг тинч-осойишта ҳаёти ва уларнинг хавфсизлиги кафолатлари тўғрисидаги нормалари талабларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари томонидан вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни кўриб чиқамиз ва улар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиламиз.

**Тадқиқот мақсади:** ички ишлар органлари фаолиятидаги вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг мазмун ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш; белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот усуллари:** ички ишлар органлари фаолиятидаги вояга етмаганларга нисбатан жиноий зўравонликларнинг профилактикаси соҳасидаги ислохотларнинг мазмуни ва моҳиятини илмий таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш; белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти ва амалий ижроси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўрганиш, шунингдек, ушбу фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ва тактик асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди[2].

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил 10 январь куни Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 7-Ички ишлар бўлимига ташриф буюрганларида “Профилактика ишлари таҳлилга асосланиши керак. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида жиноятчиликнинг жойи ва тури бўйича чуқур маълумот бўлиши, бунинг учун давлат идоралари, жамоат ташкилотлари мунтазам бирга ишлаши зарур. Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, прокуратура-ҳаммаси халққа хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жамиятда ҳам жаҳолатга қарши маърифат кучли бўлиши лозим. Муҳит шундай бўлиши керакки, ҳеч ким жиноятга қўл ура олмасин”[3] деб бежизга айтиб ўтмаганликларини, шу сабабли ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг яқка профилактикасини такомиллаштириш юзасидан бир талай ишлар амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги қарорига мувофиқ, Республикамизда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат



жиҳатидан янги тизими жорий этилди. Мамлакатимизнинг энг чекка хуудларида ҳам замонавий тизим ташкил этилиб, тезкор навбатчилик қисми, профилактика бўлинмаси, тергов бўлинмаси, жиноят қидирув бўлинмаси, паспорт хизмати, психолог хонаси фаолияти, ёнғин хавфсизлиги, тез ёрдам, фавқулодда ёрдам ва бошқа хизматларни бир жойда мужассамлаштириш ишлари амалга оширилаётганлиги, тезкор навбатчилик қисмлари томонидан шаҳар ва туман марказларини туну-кун назорат қилиш имконини берадиган видеокузатув тизими жорий этилмоқда. Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган хотин-қизлар билан яқиндан ишлаш учун ҳуқуқбузарликларнинг якка профилактикасини амалга оширишликни таъминловчи аёл инспекторлар фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойиллиги кучли бўлган вояга етмаганлар билан ҳуқуқбузарликларнинг якка профилактикасини амалга оширувчи вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекторлари лавозимлари жорий этилганлиги, ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка профилактикасини амалга оширишда ижобий натижаларга эришилаётганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирда қабул қилинган Конституциясининг 78-моддаси қуйидагича таҳлил қилинган бўлиб, “Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбуриятидир” [4] деб кўрсатиб ўтилган.

Барчага маълумки кейинги вақтларда Интернет жаҳон ахборот тизимидаги янгиликларда, Интернетдаги ижтимоий тармоқларда вояга етмаганларга нисбатан қилинган жиноий тажовузлар кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларга бўлган эътибор тубдан кучайди. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, сифатли таълим олишларини таъминлаш борасида изчил ислохотлар олиб борилмоқда. Юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун вояга етмаганларни қўллаб қувватлашни назарда тутувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш талаб қилинар эди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжудлиги мутахассислар томонидан таъкидлаб келинар эди.

Хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаганлиги, вояга етмаганларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари мавжуд эмаслиги, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларга ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини берадиган қонунларнинг мавжуд эмаслиги, ушбу соҳани тартибга солишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида янги қонун қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни билан номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, уларга нисбатан уятсиз бузуқ ҳаракатларни содир этиш, вояга етмаган шахс иштирокидаги порнографик маҳсулотни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ жиноий ҳатти-ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилди. Мазкур жиноятларни содир этган шахслар учун жазо тайинлашни енгиллаштирувчи ҳолатлар, шу жумладан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тақиқланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка ва эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик, шунингдек, ушбу жиноятларни жабрланувчиларни тарбиялаш, ўқитиш ёки унга ғамхурлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан содир этиш учун жавобгарлик кучайтирилди.

Шу билан бирга оилавий зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик киритилди. Жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг замонавий халқаро нормалар ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, жисмоний зўравонлик учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини аксэттирувчи, шаъни, номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик, шахвоний шилқимлик қилиш, вояга етмаган болаларга васий ёки ҳомий тайинлаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик каби ҳаракатлар учун жавобгарлик киритилди.

Алимент мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи чора сифатида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб қилиш каби янги маъмурий жазо чораси киритилди.

Бундан ташқари, ушбу Қонун билан илгари вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этган шахсларнинг болаларга таълим, тарбия бериш, уларни соғломлаштириш, болалар спорт, ижодий ташкилотларда ишлашни тақиқланди.

Мазкур қонун 2023 йил 12 апрель кунидан расман кучга кирди.

“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига, Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Оила кодексига, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунига, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунига, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш



тўғрисида”ги Қонунига, “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг” ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига, “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиришлар киритилди[5].

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши хотин-қизлар ва болаларнинг тазйиқ ҳамда зўравонликка учрашишининг олдини олиш, оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларига мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтишликни лозим деб топдикки, давлатимиз раҳбарининг эътиборлари вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган жиноий зўравонликларга қарши курашишга қаратилганлиги сабабли, ушбу йўналишда самарадорликка эришиш учун вояга етмаганларни жиноий зўравонликлардан асраш мақсадида, жиноий зўравонлик ҳолатлари содир этилиши мумкин бўлган вояга етмаганларга нисбатан ҳимоя ордери беришликни йўлга қўйишликни қонунчиликка киритишни таклифини беришликни мақсадга мувофиқ деб билдик.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., № 6., 70-модда.
2. <https://lex.uz/acts/3107036>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 07 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сонли Фармони.
3. <https://uznews.uz/posts/21933>. Тошкент-2019 йил 10 январь. Шавкат Мирзиёев “Ички ишлар органлари фаолияти” билан танишди. Ҳавола кўрилди. 23.06.2023 йил.
4. <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ҳавола кўрилди. 23.06.2023 йил.
5. <https://surxondaryo.sud.uz/хотин-қизлар-ва-болалар-ҳуқуқларини-ҳимоя-қилиш.О.Каримов>. Жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман суди раиси. Ҳавола кўрилди. 23.06.2023 йил.